

ФАРҒОНАДА МАТБААЧИЛИК ВА НОШИРЛИК ИШИ ТАРИХИДАН

ҚДПИ ўқитувчиси Р. Холматов

ҚДПИ ТЎМ 1- босқич магистранти С.Иброхимов

XIX асрда Туркистон ўлкасининг маданий ҳаётидаги ёрқин ходисалардан бири - бу Мухаммад Азим хожи Марғилонийнинг матбаатчилиги ва нашрилик фаолиятидир.

Ўтган асрнинг 80 йилларида ҳаж амалини, бажариш мақсадида йулга отланган Мухаммад Азимбой Марғилоний Бўмбайда тўхтаб матбаачилик ҳунарини ўрганади. Бу матбаачининг Қўқондаги фаолияти ҳақида адиб ва нашир Х.Шамс ўзининг унинг қисқача тарихи рисоласидаги қуйидагиларни баён қилган: “Марғилоний Азим хожи ҳаж сафаридан қайтиб келишида, Хиндистонда тўхтаб, ундаги тош босмаларни биттасига кириб нашрилик ишларини ўрганади. 1887 йилларида у Бўмбайдан тош босма асбоблар олиб, Туркистонга келади. Қизик, уни Россияда аллақачон, ҳатто Туркистоннинг ўзида тошбосма бор вақтида Хиндистон каби узоқ, жойда тош босма асбоблари олиб келишига нима мажбур этди?!

Азим хожи бу манбадан беҳабар бўлиши мумкин эди, шу сабабли уни Қўқон шаҳрига қурди. Бу матбаа орадан кўп вақт ўтмай бахтсизликка учраб, ўт тушиб қуйиб кетди. Колганларини губернатор мусодара қилди. Яширин равишда иш бошлаган ушбу матбаа ҳозирги Ҳамза театри рўпарасида икки хонали жойда фаолият бошлаган.

Унда хижрий 1305 йилнинг раъбиал аввал ойида Мухаммад Алихон мадрасасида Файзулох, бин Ризо ал Хўқандий қалами билан кўчирилган Аловиддин Бин Мухаммад ан Насафийнинг “Музъий” рисоласига шарҳ чоп этилади. Асарнинг титул саҳифасида: Дарбалдаи Хуқандар матбааи Ҳожи Азимжон таъъ гардида, машҳури жаҳон шуд" деган ёзув мавжуд. Демак, юқоридаги араб тили дарслигига ёзилган шарҳ, Азим хожи литографиясининг Қўқон шаҳридаги илк маҳсулидир.

Қўқонда кўлёзмалари институти илмий ходими А. Мадаминов томонидан ушбу шаҳарда истиқомат қилувчи А. Аҳмедов дан олинган китоб

хам Азим хожи тошбосма матбаасининг махсулидир. У бешта мустақил китобдан иборат бўлиб улкан шоир Фариддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, “Фаъзун нажот”, ‘Фарзи аъйн’ каби асарлари эди. Кейинги қидирувлардан маълум бўладики, Мухаммад Азим хожи босмаҳонани Қўқонга олиб келмасдан анча илгари Марғилон шахрига ўрнатган экан.

1302 / 1884 хижрий йилнинг шаббон ойида кўчирилиб Марғилон шахрида чоп этилган асарлардан бири хофизнинг 272 бетлик “Девон” идир. Асарнинг 271- бетида сўнгги сўз берилган бўлиб, 1302 -1884 йилда китоб Марғилон шахрида нашр этилгани кайд этилади. Узоқ вақтлар мазкур соҳа билан шуғулланиб келган тарих фанлари доктори, профессор Г. Н. Чабров ўзининг илмий мақоласида ўзбек тилида китоб иашр этиш Фарғона водийсида Қўқонда 1904 йилдан бошланган деган фикрни билдиради, тарихчи М. Рустамов “Ўзбек китоби” асарида ушбу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаган. “Тошбосма асарларининг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган. Р. Махмудовнинг илмий мақоласида кўрсатилишича, биринчи ўзбек зиёлилари томонидан ташкил этилган матбаа Тошкентнинг Сағбон маҳалласида яшаган Ғулом Хасан Орифжоновдир. Орифжонов Москвадан 700 сўмлик машина олганлигини хабар қилган. Бурхон Шарифнинг “Вақт” газетасида берган ахборотига кўра, мазкур матбаа 1898 йилда очилган.

Бу тадқиқотдаги ноаниқлик “Ғулом Хасан Орифжон матбаасининг” XX аср бошларида пайдо булган деб кўрсатилиб, яна уни биринчи матбаачи зиёли деб кўрсатишидир. Ғулом Хасан Орифжонов матбааси тўғрисида берилган юқоридаги ахборотлари ҳам тўғри эмасга ўхшайди. Чунки олим фойдаланган матбааларни кўрсатиб ўтишича, 1320- (1902- 1903)йилларда Орифжонов матбаасида Навоийнинг “Девони” ва “Мажолис- ун нафоис” асарлари нашр этилган. Агар Г. Х. Орифжонов литографияси 1898 йилда уз фаолиятини бошлаган- деган фикрни эътиборга олган тақдирда ҳам, марғилонлик Азим хожи тошбосма матбааси ундан ўн тўрт йил аввал ўз фаолиятини йўлга қўйганлиги гувоҳи бўламиз.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Азим Хожи литография ташкил этган даврдан Туркистон ўлкасида иккита тошбосма матбаа: Хива хони Мухаммад Рахимхон II саройида(подшозамон литографияси) ва Тошкентда савдогар Е. И. Лахтин карамоғида мавжуд эди.

УЗИНИНГ маърифат ва маънавият сари дадил қадами кўйган ва амалиётда буни исботлаган Азим хожи Марғилоний хатто Марғилон шаҳрида "Чан адад мачитлар бино қилган Демак, у ҳам биринчи ўзбек маърифатпарварларидандир.